

Шарқ Гавҳаридаги Илм Даргоҳи: Педагог Кадрлар Тайёрлаш Тарихидан

Абдуллаев Ўқтам Шералиевич¹

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизими, илм-фанни ривожлантириш, жамият ҳаётига илмий ишланмаларнинг кириб боришини таъминлаш борасида катта ҳисса қўшиб келаётган Бухоро давлат университетининг ташкил топиши, университетнинг шонли тарихий йўли, Бухоро давлат педагогика институтининг университетга айланишигача бўлган давр тарихи таҳлил қилинади, шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида педагогик кадрлар муҳим бўгин эканлиги, педагог кадрлар тайёрлайдиган қатор олий ўқув юртлири қаторида БухДУда ҳам талабалар билим олишларида имкон қадар яхши шарт-шароитлар яратиш борасида чора-тадбирлар олиб борилганлиги ҳақидаги маълумотлар баён этилади.

Ключевые слова: Педагог-кадрлар, халқ маорифи, институт, университет, дорилфунун, билим юрти, таълим тизими, илмий-тадқиқот, мактаб, ўқитувчи, талаба, семинар, филиал, адабиётшунослик, курс, ўқитувчилар институти, жараён, Бухоро, мажбурий таълим, тарбиячи.

Кириш. Бухоройи шариф қадимдан илм ва маърифат маркази сифатида ўзининг муносиб ўрнига эга. Шу туфайли “Бухоро” атамасининг луғавий маъноларидан бири “Илм маскани” (Жувайний) деган маънони ифодалайди.

Бухорода олий даражадаги ўқув юртининг ташкил топиш тарихи Масжиди Жоме (712-713), Форжақ (VIII аср), Ғарбия (1088-1677), Улуғбек (1417), Мир Араб (1535), Абдулазизхон (1652), Нодир девонбеги, Кўкалдош сингари мадрасалар тарихи билан боғлиқдир. 1920-йилгача Бухорода 127 мадраса фаолият кўрсатган. Бу мадрасаларда Исмоил ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Наршахий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Исмаил Бухорий, А.Дониш, С.Айний, А.Фитрат сингари буюк бухорийлар қаторида Шарқнинг Рўдакий, Замахшарий, Умар Хайём, Махтумқули, Б.Кербобоев, Муқимий сингари фозил фарзандлари ҳам таҳсил олганлар.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси: Тарихий-қиёсий ҳамда умумлаштира таҳлиллар асосида хулоса бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндошув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

3. Тадқиқот натижалари:

1920 йил сентябрда Бухоро амирлигининг ағдарилиши ва Бухоро халқ Жумҳуриятининг барпо этилиши билан янги таълим масканлари, хусусан мактаблар очила бошланди. Ёш республика мактабларини педагог-кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1922-йилда Бухоро Халқ Жумҳурияти қарори билан Бухоро ва Чоржўйда халқ маорифи институти очилди. Бу – замонавий олий ўқув юрти ташкил этиш йўлидаги дастлабки ҳаракат эди. Ф.Хўжаев ва А.Фитрат шу институт негизида дорилфунун ташкил этиш ғояси билан чиқдилар, аммо БХЖнинг тугатилиши билан бу ғоя амалга ошмай қолди.

Илк тарбиячилар тайёрлайдиган бу илм маскани учун Регистон майдонида янги мухташам бино қад кўтарган эди. 1924 йилда Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши билан янги мактаблар сони мислсиз ўсди. 1927-28 ўқув йилида Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида 334 та мактаб

¹ Қарши инновацион таълим университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори



ишлаб турди. 1930 йилда умумий мажбурий таълимнинг амалга оширилиши муносабати билан мактаблар тармоғи кенгайиб, ўқувчилар сони ошди. Педагогларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ўсди. Буни эътиборга олиб, Ўзбекистон ҳукумати 1930 йилда Бухоро ва Фарғона шаҳарларида янги педагогика олий ўқув юртлари очишга қарор қилди. Бухоро педагогика институтини очиш билан боғлиқ бўлган ташкилий вазифани бажариш Бухоро округ халқ маорифи бўлими мудири К.Ваҳобовга юкланди [1].

Бухорода дунёвий билимлар берадиган олий ўқув юртининг очилиши эса бундан қарийб 95 йиллар олдинги тарих билан боғлиқ. Ҳозирги Бухоро давлат университети Ўзбекистондаги тўнғич таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. 1930 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Халқ Маорифи Комиссарлигининг 146-рақамли буйруғи билан Ф.Хўжаев номидаги Бухоро олий педагогика институти очилганди. Дастлаб унинг кимё-биология ва тарих-ижтимоийёт сингари икки бўлимида 45 талаба таҳсил олган. Бугунги Бухоро давлат университетининг ташкил топиш санаси юқоридаги қарор билан боғлиқ бўлиб, 1930 йил 8 ноябрда илк бор ўқув машғулоти бошланиб, дастлаб институтда тарих ва химия-биологиядан иборат икки бўлим мавжуд бўлган. 1931 йилда физика-математика, 1934 йилда эса ўзбек тили ва адабиёти факультети иш бошлади. Институтда 1931-1934 йилларда физика, математика, тарих, агропедагогика кафедралари фаолият кўрсатиб, унда ишлаган педагог-ҳодимлар сони 17 нафарни ташкил қилган [2, 4-5]. 1935-йилда эса БухДПИ таркибида 2 йиллик ўқитувчилар институти ҳамда 5 бўлим фаолият кўрсатди, кейинчалик бу бўлимлар факультетларга айлантирилди. Институтнинг оёққа туришида А.Фитрат, Миёнбузрук Солиҳов, Мусо Саиджонов, Б.Чўпонзода, И.Кожин, Ф.Трудаков, П.Короленко, Н.Меркулович, В.Абдуллаев, Г.Юсупов каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир қатор ўқитувчилар ва 47 талаба кўнгиллилар қаторида урушга кетди. Бу мураккаб даврда талабаларни ўқишга кўпроқ жалб этиш мақсадида Қарши, Ғиждувон ва Шофирконда филиаллар очилди. Ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртлари даражасига кўтарилган Хоразм, Қарши ва Термиз давлат университетлари илк бор филиал сифатида БухДПИ таркибида иш бошлаган эди [3].

Бухоро давлат педагогика институти қошида 1934 йилнинг сентябридан Хоразм вилояти учун икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институти очилди. Сурхондарё ва Қашқадарёда олий педагогика институтлари очилгунча (1955;1956 йиллар) БДПИ ушбу вилоятларга олий малакали мутахассислар тайёрлаб беришда асосий роль ўйнади. Ҳозирда фаолият олиб бораётган Урганч, Термиз, Қарши давлат университетларининг шаклланиши, улар кадрлар базасининг мустаҳкамланишида Бухоро давлат университетининг хизматлари беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Янги олий ўқув юртларини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 мартдаги 125-рақамли қарори билан Бухоро давлат педагогика институти негизида Бухоро давлат университети ташкил этилди.

Бухоро давлат педагогика институтига турли йилларда К.Ваҳобов (1930-1935), Д.Ражабов (1935-1936), Г.Шиханов (1937-1938), А.Рустамов (1938-1939), А.Сибизова (1930-1940), М.Давлатюсупов (1940-1944), Ш.Ҳамидов (1944-1948), Т.Жўраев (1949-1951), Ш.Мақсудов (1951-1955), Р.Якубов (1955-1957), М.Раҳматов (1957-1960) кабилар директорлик қилганлар. 1958 йилдан институт директорлик лавозими ректорлик лавозимига алмаштирилиб, бу лавозимда М.Раҳматов, Ж.Намозов (1960-1977), Н.Жабборов (1977-1977), В.Мўминов (1979-1986), Ф.Қосимов (1986-1992)лар фаолият юритганлар. 1992 йилда институтга университет мақоми берилганидан сўнг ректор сифатида Комил Муқимович Муқимов (1992-2005) тайинланди. Сўнгра Олтин Музаффарович Ёриев (2005-2009), Зокирхожда Абдусаттарович Таджиходжаев (2010-2013), Абдукабил Абдунабиевич Тўлаганов (2014-2019) лар ректорлик қилдилар.

2019 йилдан университетда иктисодиёт фанлари доктори, профессор Ҳамидов Обиджон Ҳафизович ректорлик қилиб келмоқда.



Бухоро давлат педагогика институти 1933 йилдан 1957 йилгача бўлган 4000 нафардан ортиқ педагог кадрлар етиштириб, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят мактабларини ўқитувчилар билан таъминлаган. Институт ўзининг филиали сифатида Қарши ўқитувчилар институтига ёрдам бериб, унинг мустақил институт даражасига кўтарилишига сабаб бўлган. 1957 йилда Бухоро педагогика институтида 100 дан ошиқ илмий ходим фаолият юритди. Булардан 60 га яқин ходим илмий-текшириш ишлари билан банд бўлди. Уларнинг мавзулари Бухоро вилояти ҳаётига боғланган эди. Масалан, биология фанлари номзоди М.Абдуллаев “Зарафшоннинг қуйи соҳаларида балиқчиликни тараққий эттириш муаммоси”, ботаника кафедраси илмий ходими С.Иброҳимов “Бухоро вилоятида картошка экиш ва ундан юқори ҳосил олиш йўллари” мавзуларида илмий иш олиб бордилар. Биология фанлари номзодлари П.Я.Чернишев, Х.Гузаировлар Бухоро тукманида пахтани кўп тарқалган ёввойи ўтлардан тозалаш устида ишлаган бўлса, Р.Байбурун “Қорақўлчилик совхозларида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари” мавзуси устида ишлаб, Томди савхозини иқтисодини ўрганди.

1957 йилда Бухоро педагогика институти физика-математика факултетида “Авто класс”, “механик мастерской”, “радиотехника”, “электротехника” лабораториялари очилган [4].

1952 йилда республикада 5 та кундузги 2 та кечки педагогика институтида ҳамда 8 та ўқитувчилар институтида тарих факультети ва кафедралари мавжуд бўлиб, кундузги таълимда 397 нафар, кечки таълимда 395 нафар ҳамда ўқитувчилар институтида 311 нафар, жами 1013 нафар талаба таҳсил олган. Тарих факультети ва кафедраларида дарс ўзбек тилида олиб борилган. Тошкент, Фарғона, Бухорода ўқитувчилар институтларининг тугатилиши ҳамда айрим ўқитувчилар институтларининг (Самарқанд ва Андижон) педагогика институтларига айлантирилиши муносабати билан ўқитувчилар институтида тарих кафедралари кескин қисқартирилган. Тошкент, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоқ педагогика институти ва битта Қарши ўқитувчилар институтидаги тарих факультетлари ва кафедраларига 1953 йилги қабул режасида 150 кишидан иборат бўлиши кўзда тутилган [5, 42].

Ўзбекистон Маориф вазирлигининг ташаббуси билан 1954 йилда Тошкентда республика олий ўқув юртлари физика кафедралари ходимларининг биринчи семинар-кенгаши ўтказилган. Кенгаш қарорларини амалда татбиқ этиш мақсадида 1955 йилда Бухоро вилоят мактабларининг физика ўқитувчилари семинари, 1956 йилда математика фанлари ўқитувчиларининг вилоят семинари ўтказилган [4].

Ўзбекистон ССР Таълим вазирлиги катта иқтисодчиси Л.Дудкога Бухоро давлат педагогика институтидан юборилган маълумотга кўра, 1957 йил 5 май ҳолатида Бухоро давлат педагогика институтига ўқишга қабул қилинган 179 нафар талабадан 140 нафари ўқишини қайта тиклаган, 21 нафари бошқа олий ўқув юртларидан келган ҳамда 18 нафари стационар тартибда кўчирилган талабалар эди [6, 67].

1930-1965 йиллар мобайнида институт 8 мингга яқин малакали педагог ва юзларча илмий ходимлар етиштирди. Улар республикада халқ таълимини юксалтириш, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли вазифани адо этишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўтган аср 70-йилларини кўрадиган бўлсак, Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси жамоаси илмий тадқиқот ва илмий-методик ишлар олиб боришда бирмунча ютуқларни қўлга киритганлар. 1978-79 ўқув йилида кафедрада 6 нафар фан номзоди ва бир нафар фан доктори адабиётшуносликнинг уч йирик муаммоси устида, умуман кафедранинг профессор-ўқитувчилари ўн мавзуда илмий иш олиб бордилар. Ўрта Осиё халқлари адабиётларининг тараққиёти, совет халқлари адабиётларининг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлиги, халқ оғзаки ижодини ўрганиш каби муаммоларга эътибор қаратган жамоа 1977 йилда 20, 1978 йилда 31 босма табоқдан ортиқ ҳажмда илмий ишлар нашр эттиришган. Фақат 1978 йилнинг ўзида битта монография, 4 та рисола ва 11 та мақола журнал ва илмий тўпламларда чоп этирилган [7].



4. Хулоса:

Хулоса қиладиган бўлсак, ўтмиш тарихига назар ташлаш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон олий таълими, хусусан педагог кадрлар тайёрлаш жараёни тадқиқ этилаётган даврга қадар тараққиётнинг узоқ йўлини босиб ўтган. Ўтган асрнинг 20-йилларининг бошларига келиб янги ўқитувчиларнинг курс таълими билан бир қаторда педагогика ўқув юртларининг барқарор тизими юзага келди. Унинг асосий бўғинларини маориф институтлари, педагогика техникуми ва билим юртлари, шунингдек, ўқитувчилар институтлари ташкил этди. Ҳозирги Бухоро давлат университети ҳам айнан шу даврда ташкил топган ва бугунги кунгача республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан биридир.

Фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Номозов Ж. Институтнинг шонли йўли // Ўқитувчилар газетаси, 1965, 5 декабрь, №97 (2040)
2. Бухоро давлат университети. 2-қисм. Илм ва таълим фидойилари (библиографик маълумотлар). – Бухоро., 2016, - 4-5-бетлар
3. <https://buxdu.uz/28-universitet-tarixi/127/127-buxoro-davlat-universitet-tarixi>
4. Раҳматов М. Кадрлар ўчоғи // Қизил Ўзбекистон, 1957, 27 февраль, №50 (9697)
5. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5167-иш, 42-варақ
6. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 6922-иш, 67-варақ
7. Алиев С. Кафедранинг илмий ишлари // Ўқитувчилар газетаси, 1979, 15 март, №21 (4360)

